

Татаристон муфтийси: «Бугун исломни бузиб кўрсатишга уринаётган кучлар мавжуд»



16:00 / 29.03.2019 2385

Бугун Россия Федерациясининг пойтахти Москва шаҳрида **«Ислам – тинчлик ва бағрикенглик дини»** мавзусидаги Халқаро конференцияси ўз ишини давом эттирди, деб хабар беради islam-today.ru.

Конференция иши кўплаб халқаро ОАВ томонидан ёритиб борилмоқда. Тадбирда сўзга чиққан Татаристон муфтийси Комил Самугиллин иштирокчилар диққатини ислом динининг ҳақиқий қадриятларини бузиб кўрсатишга уринаётган кучлар билан боғлиқ мавжуд муаммоларга қарата шундай деди: “Афсуски, бугун исломни таҳқирлашга уринаётган, унинг моҳиятини бузиб кўрсатмоқчи бўлаётган, одамларнинг диний ҳиссиётларини сиёсий ва иқтисодий мақсадларда ишлатаётган, тўғри қарашларни ўзгартириб, инсониятга қарши жиноятлар содир этилишида қандайдир сохта исломий мафкурани айбдор деб кўрсатаётган кучлар мавжуд”.

Шунингдек, муфтий Комил Самугиллин мавжуд ҳолатни бартараф этиш ва дунё жамоатчилигига Исламни тинчлик, раҳм-шафқат ва хотиржамлик дини сифатида етказиш учун бу ишларга кўпроқ исломий йўналишдаги ОАВ жалб қилиш ҳамда бу каби ОАВ ташкил этиш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Эслатиб ўтагимиз, конференцияда Саудия Арабистони, Миср, Хитой, Иордания, Эрон, БАА, Покистон, Туркия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея каби 43 та давлатдан жами 250 дан ортиқ киши иштирок этмоқда. Мазкур тадбирда юртимиздан Ўзбекистон мусулмонлар идораси муфтий ўринбосари Абдулазиз Мансуров ва «Hilol-nashr» нашриёти раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиклар ҳам қатнашмоқдалар.

Тадбир эртага, 30 март куни Чеченистон Республикаси пойтахти Грозний шаҳрида **“Мусулмонлар ва жамоатчилик алоқалари”** мавзуида давом этади. Конференция якунида резолюция қабул қилиниши кутилмоқда.











Тадбир тафсилотларини ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизда кузатиб боринг.

